Мен сизлардан гумон қилиб қасам ичтирганим йўқ. Лекин ҳузуримга Жаброил келиб, Аллоҳ азза ва жалла фаришталарга сизлар билан фахрланаётганини айтди», дедилар

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Муовия масжиддаги бир халқанинг олдига чиқиб: «Нима қилиб ўтирибсизлар?» деди. Улар «Аллоҳни зикр қилиб ўтирибмиз», дейишди. «Аллоҳ ҳаққи, фақат шунинг учун ўтирибсизларми?» деган эди, «Аллоҳга қасамки, фақат шунинг учун ўтирибмиз», дейишди. У шундай деди: «Мен сизлардан гумон қилиб қасам ичтирганим йўқ. Биласизларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга мен каби яқин бўла туриб, менчалик кам ҳадис айтган одам йўқ. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бир халқанинг олдига бориб: «Нима қилиб ўтирибсизлар?» дедилар. Улар «Аллоҳни зикр қилиб, бизни Ислом ҳидояти билан неъматлантиргани учун Унга ҳамд айтиб ўтирибмиз», дейишди. «Аллоҳ ҳаққи, фақат шунинг учун ўтирибсизларми?» дедилар. «Аллоҳга қасамки, фақат шунинг учун ўтирибмиз», дейишди. Шунда У зот: «Мен сизлардан гумон қилиб қасам ичтирганим йўқ. Лекин ҳузуримга Жаброил келиб, Аллоҳ азза ва жалла фаришталарга сизлар билан фахрланаётганини айтди», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу масжиддаги ҳалқа олдига чиқдилар-да, нима учун жамланганлари ҳақида сўрадилар. «Аллоҳни зикр қилаяпмиз», деб айтишди. Фақатгина зикр учун жамланганлари ва йиғилганларига қасам ичишларини сўрадилар. Шунда улар қасам ичдилар. Сўнгра: «Мен сизларга туҳмат қилиб ёки ростгўй эканингизда шак-шубҳам бўлгани учун қасам ичтирмадим», дедилар ва сингиллари Умму Ҳабийба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари бўлгани ҳамда ўзлари ваҳий ёзувчиларидан бўлганлари учун ҳеч ким У зотга у кишидай яқин эмаслигига қарамай кам ҳадис ривоят қилганлари ҳақида хабар бердилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни уйларидан чиққанларида саҳобаларини масжидда зикр қилган ва Аллоҳ уларни Исломга ҳидоят қилганига ҳамд айтиб ўтирган ҳолларида топдилар ва Муовия разияллоҳу анҳу қилганидай Расулуллоҳ ҳам саҳобалардан сўрадилар ва қасам ичдирдилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни нима учун қасам ичирганларини баёнладилар: «У зотга Жаброил алайҳиссалом келиб, Аллоҳ азза ва жалла фаришталар олдида улар билан фахрланаётгани, уларга бандаларининг афзаллигини намойиш этиб, гўзал амалларини кўрсатаётгани ва уларни мақтаётгани ҳақида хабар берган эди».